

Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 26 ноябр Чоршанба. № 92 (14484)

ЭЪТИРОФ

XX асрнинг жаҳон миқёсидаги энг муҳим яқунларидан бири, шубҳасиз, янги тарих, тил ва дин бирлаштириб турган қардош туркий халқларнинг истиқлолга эришганидир. Тарихнинг ортга қайтмас ана шу нуқтасида Ўзбекистон бошқа қардош жумҳуриятлар қаторида буюк жасорат ва қатъият билан XXI аср томон илгариланмоқда.

Сулаймон ДЕМИРЭЛ,
Туркия Президенти

Адиб хотирасига бағишланди

Адабиётимизда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг ўзига хос ўрни бор. Адиб теран ҳикоялари, «Кўшчино», «Сароб» каби романлари, «Утмишдан эрталар», «Синчалак», «Муҳаббат» сингари кыссалари, ҳозиржавоб публицистик мақолалари билан сўз санъати равангага улкан ҳисса қўйди. Ёзувчининг «Ориқ тишлар», «Аяжонларим», «Шоҳи сўзана», «Тобутдан товуш» каби асарлари драматургиямизни янги мазмун билан бойитди. У жаҳон классик адабиётини қўллаб асарларни ўзбек тилига муҳрирлик билан ўнгирди. Кўпгина иқтидорли ёшларга устозлик қилди.

24 ноябрь кuni Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 90 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Унда таниқли ёзувчи ва шoirлар, адибнинг шогирдлари, адабиёт мухлислари иштирок этди. Кечани Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов очди.

Биз Абдулла Қаҳҳор ижодини доимо барҳаёт чашма сифатида қадрлаймиз, деб таъкидлади у. - Устоз асарла-

ридан ўрганиб адабиётга кириб келган ёшлар бугунги кунда таниқли ёзувчилар бўлиб етишти. Бу зотдан ҳадис олган адабиётшунослар сафи кенгаймоқда. Истиқлол туфайли устознинг сўз ва виждон эркинлиги, она тилимизнинг мавқеини кўтариш борасидаги орзулари рўйга чиқди.

Хотира кечасида таниқли адиб ва адабиётшунос олимлар - Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Уткир Ҳошимов, Озод Шарофиддинов Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги хотираларидан сўзладилар. Санъаткорлар мумтоз куй ва қўшиқлар билан кечага фойз киритди.

Маросимда адибнинг шогирди Учқун Назаров режиссерлик қилган «Абдулла Қаҳҳор» ҳужжатли фильми намойиш этилди.

Тадбирда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ҳ.Раҳматов қатнашди.

Б.МАНСУРОВ,
ЎЗА мухбири

КЕЛАЖАККА ЙЎЛ



Кейинги пайтларда иқтидорли ёшлар учун махсус мактаблар, лицей-ю коллежлар ташкил қилинапти. Яқинда Тошкент шаҳар Юнусовоб мазоҳисада очилган 325- Шарқшунослик лицейи шулар жумласидандир.

Лицейга 8-синф ўқувчилари танлов асосида қабул қилинди, дейди лицей директори Шавкат Орипов. -- 200 ўқувчига мулжалланган бу бионо эки боғча эди. У Юнусовоб тумани ҳокимлиги, халқ таълими идоралари ёрдамида қайта таъмирланди. Синфхоналар замонавий техника воситалари билан жиҳозланган.

Суратларда машғулот пайти.

Суратқаш Даврон АХМАД

Мусобақа бошланди

Анджон теннис мажмуида андижонлик мустақиллик кўйичи, шоир ва адиб Абдуҳамид Чўпоннинг 100 йиллик юбилейи шарафига вилоят ҳокими таъсис этган савринг учун «Ибрат-97» теннис турнири бошланди.

"Қамолот" андижонликлари "Сўхбатдош" сўхбатга чорлар

ҚАШҚАДАРЁ вилоятида янги чиққан "Сўхбатдош" -- "Собеседник" газетасининг келажига ҳақида иқтидорли гапириб муамин. Чунки бу ҳафталик нашрга "Қамолот" жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими, Шаҳрисабздаги "ЭС-В Коммерс" маданият хизмат кўрсатиш фирмаси муассасида қўлмоқда. Қолаверса бу "Қамолот" жамғармаси вилоят бўлимининг иккинчи вақтли нашридир. Биринчиси -- "Қамолот" газетаси ўтган йили сентябр ойидан бери ўқувчиларнинг қўлига етиб бормоқда.

Саккиз бетлик янги нашри вилоят ёшларининг ўқишга, ўрганишга бўлган қизиқишини ҳисобга олиб чиқарилди, -- дейди "Қамолот" жамғармаси вилоят бўлими раиси Б. Юсуфов. Унинг сўзларига қўйилган ҳақондаги илғор мамлакатлар ёшларининг ҳаёти, сановати, йирик ишбилармонлар, санъат юлдузлари ҳаёти, таъбиркорлик йўналишлари, реклама -- эълонлар ва бошқа турли соҳалардаги қизиқарили ҳақда хам сермазмун мақолалар бериб борилади.

ТАНЛОВ УТДИ, ГОЛИБЛАР КИМ?

ТЕРМИЗ шаҳрида "Қамолот" жамғармаси Сурхондарё вилоят бўлими ҳамда вилоят телерадиокомпанияси ҳамкорлигида "Қизилчи-97" кўрик-танлови ўтказилди. Унга вилоятнинг турли шаҳар ҳамда туманларидан 32 нафар иқтидорли сўз устаслари иштирок эттишти. Беллашувлар қўйилгандан ҳам қизғин кечди. Ҳар бир иштирокчи голиблик учун қаттиқ курашди. Ҳен ким ортда қолишни истамасди. Қизғин беллашувлар сўнг Термиз Давлат университетининг аспиранти Нормамат Юсуфов голиб деб топилди. Иккинчи ўрин Денов шаҳар касалхонаси ҳамшираси Оля Бахромовага, учинчи ўрин Термиз Давлат университети талабаси Омон Маҳмудовага насиб этди.

Анвар БОБОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Экология муаммоларига ёшлар кўзи билан

Ёш экологлар, олий ўқув юр்தларининг талабалари, «Экосан» ва «Қамолот» жамғармаларининг, мамлакатимиз жамоат ва табиати муҳофаза қилиш ташкилотларининг вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамят қурилиши академиясида бўлиб ўтган «Ёш авлод ва экология онгни шакллантириш муаммолари» мавзусига бағишланган учрашувда иштирок этди. Бу учрашувни Конрад Аденауэр жамғармаси Фридрих Эберт номидаги жамғарма билан биргаликда ташкил қилди.

Учрашувда шу йилнинг июнь ойида Қирғизистон пойтахти Бишкекда бўлиб ўтган Экологлар халқаро конференцияси яқунлари, унда қабул қилинган декларация муҳофаза этилди.

Муҳофаза иштирокчилари ҳозирги пайтда асосий вазифа табиатга авайлаб муносабатда бўлиш, экология муаммоларини ҳал этишга жиддий ёндашиш зарурлигини ҳамма, аввало ёшлар чуқур тушуниб етишига ёрдам беришдан иборатлигини таъкидладилар. Ҳар бир фуқаро табиатни асрашга доир тадбирларни ўтказишда иштирок этиши, атрофимиздаги муҳитни соғломлаштириш учун фаоллик билан курашиши лозим. Экология муаммоларига, бутун аҳолининг экология саводхонлиги даражасини оширишга, миллий маданият ва халқ анъаналарини ҳисобга оладиган узлуksиз экология таълимини жорий этишга жамоатчиликнинг эътиборини жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

ЎЗА/

"Туркистон" - SOS

Гўзалкентлик айрим раҳбарлар: "вилоятдаги кенжа туманда яшаймиз. Шу боис, муаммоларимиз кўп", дейишади.

"Қамолот"нинг туман бўлими раиси Бердимурод Халиловни жамғарма учун ажратилган биттагина хонада совуқдан қўнишиб ўтирган ҳолда учратдик. Раис жамғарма фаолияти ҳақида хоҳламайгина сўзлади. Чунки, жамғарма ташкил этилганидан буён ўтган бир ярим йил мобайнида айтишга арзигулик бирор тадбир ўтказилмаган. Туманда муаммолар, ёшлар ўз қўлларига олиши зарур юмушлар, бошқариши лозим бўлган соҳалар талайгина.

Гўзалкентда ёшлар кўп. Аҳолининг 12 миңдан зиёди "Қамолот"чилар таъсирида бўлиши мумкин бўлган навқиронлар. Демак, муаммолар ҳам шунга яраша. 18 нафар бола, ҳуқуқ-тартибот идоралари назоратида. Иш-

Яъни тумандаги ҳар бир ёш ҳисобига ҳисоблаганда... 4 сўмдан тўғри келяпти.

Бўлим ходимлари билан сўхбатлашмоқчи бўлдик. Раиснинг айтишига қараганда, бўлимда ёлғиз ўзи ва котиба ишлар экан, холос.

-- Ходимлар маош толиб бера олмагани учун ишдан бўшаб кетишган, -- дейди Бердимурод. -- Ўзим ҳам ўн беш ойдан -- ўтган йилнинг сентябидан буён маош олганим йўқ.

Бўлим ўтган йилгидек бу йил ҳам бирорта ёшлар нашрларига обуна бўлмаган.

Туман ҳокими Уринбосари Тилибжон Маллаев билан учрашдик.

-- "Қамолот"чиларга ёрдам бера олмаётганимиз рост, -- тан олди ҳоким Уринбосари.

-- Уч-тўрт йилдан бери пахта режасини бажара олмаётган эдик, бу йил планни удаладик. Ҳисобимизга маблағ тушиши билан

салар, тижорат банки, ҳиссадорлик жамяти, деҳқон-фермер ва жамоат ташкилотлари унга амалий ёрдам беролмайдилар.

Жамғарманинг ҳисоб рақамига моддий ёрдам сифатида ажратилган 100000 (юз миң) сўм маблағ ҳалигача келиб тушмаган.

Туман ҳокимининг қарори тўлалигича бажарилмапти. Қарорда белгиланган жамғарма бўлимига ажратилган таъсисчиларнинг маблағи тушиши ўз ечимини топмапти.

Айрим ташкилот, деҳқон-фермер, жамоат ташкилотлари раҳбарлари жамғармани қўллаб-қувватлаш борасида сусткашликка йўл қўймоқдалар.

Ёшларнинг маънавий-маърифий юксалишига қўмақлашши масалалари айрим жойларда эътибордан четда қолмоқда.

Қарорнинг кейинги бандларида жамғарма жамо-

атчилик марказларига ҳар бир жамоа ҳўжалигидан 5 гектардан ер ажратиши, туман банкларида таъсисчилардан таъсис маблағларини ундириб беришлари, модия бўлимига маҳаллий бюджетдан иккинчи чоррақ якуни билан 100 миң сўм маблағни жамғармага ўтказиши юклатилган эди. Афсуски, ҳокимнинг бу иккинчи қарори ҳам орадан беш ой ўтган бўлишига қарамай бажарилмади.

Ҳоким Х.Мустаев яна ваъда берапти. "Қамолот" жамғармаси туман бўлими раиси Б.Халилов эса таъсисчилар маблағ ажратмапти, деб қўл қовуштириб ўтирибди. Гўзалкентда гайратли йиғинлар, оқила қизларнинг муаммолари билан жиддий шуғулланганидан ташкилотлар борми? Ёшлар жамғармаси қачон боқимандалик ботқоғидан чиқади?

Жамғарманинг оёққа туриб олиши учун гўзалкентликларга яна қанча вақт керак?!

А.ФОЗИЛОВ,
"Туркистон" мухбири

НОШУДЛИК ЁХУД БАЖАРИЛМАЁТГАН ҚАРОРЛАР

сизлар, ночор аҳволда яшаб, ўқийётган ёшлар ҳам топилади. Шунингдек, ардоқланишга, эътиборга муҳтож иқтидорли йигит ва қизлар ҳам йўқ эмас. Шу каби ижтимоий, иқтисодий соҳадаги кўплаб муаммоларни ҳал этишга "Қамолот" бош қўшиши зарур эди. Зеро, Республика Президентининг "Қамолот" жамғармаси тўғрисидаги Фармонида ёшларнинг бу ташкилотига жуда кўп ҳуқуқлар ва имтиёзлар берилган.

Қуриқ тумандаги ёшларнинг гайрати, шижоати, билими ва салоҳиятини мустақилликни, баркамол авлодни шакллантиришга қаратишда жамғарма туман ҳокимлигининг энг яқин ёрдамчиси бўлиши керак-ку?!

-- Тушунаман, аммо ҳамма нарса маблағга бориб тақалаяпти, -- дейди Бердимурод. -- Жамғарманга тузиш вақтида таъсисчилар 848,5 миң сўм маблағ ўтказишлари ҳақида ҳокимлик қарор қабул қилган эди. Ўтган бир ярим йил ичида атиги 45 миң сўм маблағ берилди.

"Қамолот"га ёрдам берамиз. "Туркистон"га ҳам обуна бўламиз.

Туман ҳокими Холмамат Мустаев билан сўхбатлашдик.

-- "Қамолот" жамғармаси туман бўлимига албатта ёрдам берамиз. Бу ҳақда қарорлар чиқарганмиз. Насиб этса 50 гектар ер ҳам ажратамиз.

Дарҳақиқат, туман ҳокимлиги жамғарма фаолияти ҳақида қарорлар қабул қилган. Масалан, шу йилнинг 30 июнида Х.Мустаев имзолаган ҳужжат "Туман ҳокимининг 1996 йил 16 июндаги, вилоят ҳокимининг 1996 йил 8 июлдаги, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 майдаги "Қамолот" жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарорининг бажарилиши тўғрисида" деб номланган. Унда юқорида номлари келтирилган муътабар ташкилотларнинг қарорлари бажарилмаётгани ҳақида сўз боради:

"Жамғармага муассис бўлиб кирган туман ҳокимлиги, корхона, ташкилот, муассас-

Азиз муштарийлар!

"ТУРКИСТОН"га обуна давом этмоқда.

Нашр кўрсаткичимиз: ташкилотлар учун-204; якка тартибдаги обуначилар учун 203,

"Туркистон" Сиз билан бирга!



ХОРИЖДА ЧЎЛПОНШУНОСЛИК

Чўлпон шайхонасининг 100 йиллигига



Улуғ адиб Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг доғруғи унинг ҳаётига доғруғи хорижий юртларга ёйилган эди. Етук ижодий намуналари 20-йилларнинг олдига Истанбул матбуотида пайдо бўлган, сўнгра қўшни Афғонистон, Покистон, Шарқий Туркистонга кўчган. Шайх ижодини махсус ўрганувчи жиддий тадқиқотлар эса, 40-йиллардан жазон матбуотида кўза ташлана бошлаган эди.

Карл Н. Мендес, Йан М. Матлей, Хелен Каррер д'Энкоус, Жоанна Спектор, Артур Шпрагу каби тадқиқотчилар Туркистоннинг руслар томонидан ишғол этилишининг сабаб ва оқибатларини кўрсатиб берганлар.

1964 йили "Миллий Туркистон" саҳифаларида "Туркистон янги адабиётининг икки сиймоси: Коидрий ва Чўлпон" мақоласи /1964, № 102-А 19-23 бет/ chop қилиниб, сўнгра у олмон, инглиз ва турк тилларида ҳам нашр этилган. Бу мақоланинг русча варианти "Звезда Востока" да /1993, № 4/ босилган ва бу ҳақда адабиётшунос И.Хакқулнинг "Чўлпон шайхонасининг хорижда ўрганилишига доғруғи" /"Ўзбек тили ва адабиёти", 1992, № 3-4/ мақоласида баҳо берилгани учун бу ҳақда тўхталаш ноқонон.

80-йилларга келиб хорижда Чўлпон ижоди билан махсус шуғулланувчи тадқиқотчиларнинг ишлари юзга кела бошлади. Бу жиҳатдан турк олими Хўсайн Ўзбойнинг "Турк истиқлол курашида Сулаймон Чўлпон" /"Туркистон" журнали, 1982, № 53-бет/ ва Темур Хўжа ўғлининг Чўлпон шайхонасининг символизмининг ўрганилишига баҳо берилгани учун бу ҳақда тўхталаш ноқонон.

90-йилларнинг бошларида Чўлпон сиймоси янги яратилган турк-ислом қомусларида ҳам акс этга бошлади. Бу жиҳатдан "Турк ансиклопедиси"нинг XII жилдида /111-бет/ ва "Янги турк ислом ансиклопедиси"нинг намуна сонида Салоҳиддин Тулқун томонидан эълон қилинган мақола диққатга молик. Мақола муаллифи Чўлпон ҳаётини бирламчи ҳужжатлар асосида ёритиш билан чекланмай, адибнинг шайхонасининг, насрий, драматик ва таржима асарларини олоҳида рунқлар остида кўрсатган. Шу билан бирга муаллиф Ўзбек чўлпоншунослигининг ютуқларидан бохабар бўлгани учун ҳам ўз мақоласига батафсил библиография ҳам тақдим қилган.

"Турк адабиёти" журнали ўзининг кейинги сонларида Ўзбек адабиётининг ўқилмаган саҳифалари билан ўқувчиларни таништирмоқда. Бу ўринда шу журналда chop қилинган Чингиз Асланининг "Абдулхамид Сулаймон Чўлпон" мақоласи /1997, №285, июл, 42-43 бет/ да шайхонасининг Маҳмад Аҳид ва Наҳид Фозил каби турк дўстларининг ёрқин қолдулари қаторида баҳолашди, "халқига раҳбар бўлган Ўзбек элисининг"нинг шайхонасининг қурастишига кўрсатуви қатор мисоллар келтириб, Чўлпон лирикисининг мазмун ва шавр қатламларини очиб берган.

Муштақил юртимизда улуғ истиқлолчи шайх Чўлпоннинг 100 йиллик тантаналари давом этаятган бир пайтда хорижлик ҳамкасбларимизнинг Ўзбек шайхонасининг оламшумул доғруғини кўрсатуви мақолалари Ўзбек чўлпоншунослигининг ҳам янги уфқларини очига ташлаш шубҳасиз йўқ.

Ҳамидулла БОЛТАБОВ, филология фанлари доктори



Қишда ҳам ёз неъматини дастурхонингизда

Тошкент вилоятининг сўлим гўшаларидан бирида Боғистон қишлоғи жойлашган. Тоғ бағридаги бу қишлоқнинг тарихи минг йилдан ҳам узок, ўзинича асарда ёзилган "Худуд ул-олам" номли асарда қишлоқ номи Салбағво шаклида қайд этилган.

Асриимизнинг олтинчи йилларида қишлоқ этагидан Писком дарёси ҳайқириб оқарди. Чорвоқ сув омбори

"Рашаҳот"да ёзилишича, қабри Табриз яқинидаги Сурхоб қишлоғидир. "Рашаҳот"да шайх Умар Боғистонийнинг ўғли шайх Хованди Таҳур Тошкентда яшаган, Туркистонга бориб, хожа Аҳмад Ясавий хонадонига мансуб машойихлардан таълим олган, Бухорода ҳам бўлгани ҳақида хабар берилади. У киши зоҳир ва фотиний илмларни яхши ўрганиб, тасавуфга оид асарлар ёзганлар, маънавий меросимиз сарғашталари

хотирлаш муносабати билан 1993 йили Республика Маънавий тарғибот маркази, Тошкент вилояти ва Бўстонлик тумани ҳокимиятлари Боғистон қишлоғида анжуман ташкил этидилар. Анжуманда тарихий олимлар, ёзувчилар, шoirлар ва матбуот вакиллари иштирок этиб, Хожа Аҳрори валининг маданий меросимизда тугган ўрни, фаолияти, аждоқлари ҳақида сўзлашдилар. Бундай ўзига хос илмий-амалий аҳамиятга молик йилгили Боғистон қишлоғи тарихида биринчи марта ўтказилиши эди, десак муболаға бўлма. Ушбу анжуманда шайх Умар Боғистоний қабрини таъмирлаш ва бу жойни обод бир масканга айлантириш мақсадида турли ташкилотлар ҳамда қишлоқ аҳли томонидан хайрия эҳсонлари қилинди.

Республика "Қамолот" жамғармаси қошидаги Халқор Амир Темур экспедицияси бир гуруҳ шарқшунос олимлар ва бадиий қалам аҳли билан шайх Умар Боғистоний қабри зиярати

га йўл олдилар. Асосий мақсад маънавий меросимиз, буюк аждоқларимиз ҳақида жойларда илмий суҳбатлар ўтказиш, маҳаллий аҳолининг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини эшитиш, маданий осори-атиқалар ҳақида маълумот йиғишдан иборат эди. Бўстонлик тумани марказида еттигинада бизни туман ҳокими ўринбосари илиқ қабул қилиб, туман тарихини ўрганиб, уни халққа етказишга

СЎЛИМ ГЎШАДАГИ ЗИЁРАТГОҲ: ШАЙХ УМАР БОГИСТОНИЙ

барпо этилгач, сув сатҳи кўтарилиб, Боғистон қишлоғи етагиди мовий кўл вужудга келди. Қишлоқ олдиндан ҳам кўпоқ боғлар бағрига бурқаниб, унинг ям-яшил либоси кўннинг зилол суви, мовий осмон ва кўёшнинг заррин нурали ранглари чоғишди табиатнинг афсонавий ранглар жиосини ҳосил қиларди.

Боғистонга узоқ-яқиндан келувчилар анчагина; олдига, кўпчилик бу ерга ҳузур-бахш тоғ ҳавосидан нафас олиш учун ошқадилар. Яна бир тоғга кишилар борки, Боғистон қишлоғи чеккасида жойлашган шайх Умар Боғистоний қабрини зиёрат қилиш учун келадилар. Бу ном бизни узоқ мовийга етказди, шайх Хованди Таҳур, Хожа Аҳрори Валий каби машойихларнинг сиймоларини кўз олдимизга келтирди. Табиқийки, тадриҷотлар учун тарихга, ёзма меросга мурожаат қилиш лозим бўлади.

Шайх Умар Боғистоний-Тошкент вилоятининг Боғистон қишлоғида яшган таниқли машойихлардан. У киши ҳақида манбаларда маълумот жуда оз. Фаҳриддин Али ибн Хўсайн Воиз Кошарийнинг "Рашаҳот айн ал-ҳаёт" ("Ҳаёт чашмасидан қатрала", XVI аср) номли асарда қайд этилишича, шайх Умар Боғистонийнинг ота томондан насаблари ун олти бўлиб билан Абдуллоҳ ибн Умар ибн ал-Ҳаттоба бориб етди, она томондан насаблари Термиз сайилларига боради, машҳур олим хожа Абдулҳаким Термизий авлодидан.

Яна бир кўлзмадаги хабарга кўра, Умар Боғистонийнинг оталарини шайх Ҳасан Парранда дейишарди. У кишининг икки ўғли бўлган: каттаси шайх Умар, кичиги-шайх Муҳаммад Парранда ва битта қизи бор экан. Ана шу қизларини шайх Иброҳимга (Исох Боб авлодидан) турмушга берганлар ва улардан хожа Аҳмад Ясавий дунёга келган. Бу ерда саналар ҳисобидида тағога йўл қўйилганга ўхшайди. Чунки хожа Аҳмад Ясавий XII асрда вафот этган, шайх Умар Боғистоний яшаган давр эса, XIII-XIV асрларга тўғри келди. Саналардаги тафовутдан қатъий назар, улар ўртасида қариндошлик риваси бўлган. Шунингдек, Умар Боғистоний ўз даврининг машҳур шайхларидан саналиши шайх Ҳасан Булғорининг асқобларидан эканлар. Бу шайхнинг тўла исми шайх Ҳасан Восилӣ бўлиб, дастлаб Наҳшонда яшаган. 20 ёшида асриликка тушиб Дағшти Қипчоққа олиб кетилди. Шундан сўнг унинг сарғушати ҳаёти бошланди: 9 йил Булғорда, 3 йил Бухорода, 27 йил Қирмонда, 1 йил Табризнинг Мароғасида умр кечиради: 1298 йилда вафот этган.

рифат ботида шайхлар битганлар. Қабрлари Тошкент шаҳрида. XIX асрда шаҳарнинг тўрт рунки (қисминдан бири у кишининг номлари билан "Шайх Хованди Таҳур") дейилган ва бу ном ҳозир ҳам сақланган, ушбу жой "Шайхонтаҳур тумани" деб аталади.

Кейинги асрларда, жумладан, XIX асрда ҳам Тошкентда шайх Умар Боғистонийнинг авлодлари бор эди. Улардан бири машҳур тарихчи Муҳаммад Солиҳхўжа домла Раҳим Қоряхўжа ўғли бўлиб, у Тошкент тарихига бағишлаб ёзилган "Тарихи жадидий Тошканд" асарининг муаллифидир. Ушбу асарда Муҳаммад Солиҳхўжа ўз таржimai ҳолини ёзган, насаби ота томондан шайх Хованди Таҳурга бориб уланишини таъкидлаб ўтди. Муҳаммад Солиҳхўжа Тошкентда туғилди, дастлаб мазкур шаҳардаги мадрасаларда, сўнгра Бухорода таҳсил олган. У ерда она шайхри Тошкентга қайтиб Қиё маҳалласидаги Бекмуҳаммаднинг мажлисида имомлик қилган ва янги пайтда талабаларга дарс бериб таълим-тарбия ишлари билан ҳам шуғулланган. Тарихий асарлар билан қизиқини тўғриси ўзи ҳам Тошкент тарихига оид бир китоб ёзган. Унда шаҳарнинг қадимги тарихи ҳақида ўнда таърифдан сўнг муаллиф ўз давридаги кечинмаларга кенг тўхталади, шаҳарнинг кўрғони, дарвозалари, маҳалла, мадраса, масжид ва ҳоказолар ҳақида ҳам маълумот беради. Масалан, шайх Хованди Таҳур мақбараси ҳақида ёзганда, бу мақбара Шайхонтаҳур даҳасининг марказида жойлашган, уни Муслимонқул қипчоқ (1842-1852 йилларда Қўқон хонининг лашкарбосқиси) замонида Нурмуҳаммад қипчоқ Кўшбеги қайта таъмирлагани, мақбаранинг шимолдан Шайхонтаҳур ариғи оқиши ва сув бўйида беш юз йиллик катта чинор борлигини айтди. Айниқса, Тошкентнинг Чор Россияси томонидан босиб олиниши воқеаларини, ўзи шаҳар мулофасқаси бўлган батафсил шарҳлаган. Нодир тарихий манба "Тарихи жадидий Тошканд" асарининг кўлзма нусхалари, жумладан, муаллиф дастхати ҳам ҳозирги ҳақда Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти хазинасида сақланмоқда.

Жумладан, Хожа Аҳрори валий рункини Омонулло БҮРМОВ

"МИЛЛАТНИНГ ДАРДИНИ СЎЙЛАГАН БУЮК ШОИР"

Шоирлик таҳаллуси "Чўлпон" номи билан маълум ва матруф бўлган Абдулхамид давлатманд савдогар бўлган Сулаймон оғанинг ўғлидир. 1897 йилда Андижонда туғилган, мадраса таҳсилдан сўнг русча ўрганган, кейин Москвада Адабиёт ва санъат институти ёхуд академиясида ҳам таҳсил олган. 1913 йилда унинг уйларида меҳмон бўлганимизда Чўлпон 16 ёшда экан, турк тарихига оид китобларни ўқир эди, сўнгра "Турк юрди" ва шу синга туркчилик нашрлари билан қизиқди. 1917-18 йил/да сиёсий ишларга аралашиб, Оренбургда Бошқирдистон ҳукумати раисининг котиблиги вазифасида ишлади. Уша замон кўпбал шайхларини бостирмади. Сўнгра ўзини ёлғиз адабий фаолиятга бахш этди ва бирдан порлади.

Чўлпон мансуб бўлган Андижон Бобур Мирзонинг айтгани каби Алишер Навоий адабий тилини энг яхши сақлаган бир турк шаҳридир. Чўлпон Ўзбек шайхонасининг аруз вази ўрнига туркча ҳижо /бармоқ/ вазиини жорий қилди, адабий тилини гўзаллаштирди. Рус шоирлари билан биргаликда туркиёлик ва озарбайжонлик шоирларини, классик шоирларимиздан Навоийни, хорижийлардан Рабиндранат Тагорни ўзига намуна билди. Фақат оригина шайхларни таржима ва назираларидан жуда мукамалдир. Ёзган пьесаларидан "Ҳалил фаранг" 1917 йил/да, "Ёрқиний" ва илк шайх мажмуаси 1922 йил/да чиқди. Сўнгра "Уйғонини" /1924/, "Булоқлар" /1924/, "Тонг сирлари" /1926/ни нашр эттирди. Сўнгра чиққан пьесаларидан "Чурининг исёни", "Муштумзўр", "Уртоқ Қаршибев" Ўзбек инқилоб ҳаракати тарихидан олинганлар. Зикр этилган шайх мажмуалари каби бу пьесалар ҳам миллий руҳда ёзилганлар. Мутаақибан, Чўлпон шўроларга эргашиб космополит руҳда асарлар ёзмоқ ва таржималарни амалга оширмоқ билан машғул бўлди. Шу жумладан, Шекспирнинг "Ҳамлет" ини, Гоштининг "Турандо" ини, Горькийнинг "Она" сини, Третьяков ва бошқа таниқли рус адибларининг асарларини таржима этиб, нашр қилди.

Мафкура эътибори билан худди Мағжон /қозоқ шоири/ каби. Турк миллий маданиятининг тараққиёти фикри бурларнинг ҳар иккиси учун адабий фаолиятларда асл мақсадлар. Бу жиҳатдан ҳар икки шоир кўп каттагонларга учрадилар. Биз Мағжон учун каби /булғанидек/ Чўлпон учун-да совет назарияси остида босилган асарлардаги баъзи парчаларни нақл этмак билан чекланамиз.

Турк ва рус ўрнига Чўлпон "Кун ва тун", яъни "кун-дуз" ва "кеча" таъбирларини "шарқ ва гарб", "маълум ва золим", "йўқсул ва золим" каби таъбирларини ҳам қўллади. Шоирнинг қуйида нақл этилмиш асарлари Тошкентда совет цензори остида чиққандир. Буларда 1920-23 йиллардаги миллий мужодала даврида юз кўрсатган умидлари, кураш иштироқларини ва ўзининг келажакка қарашини акс эттирган. Ёлғиз унинг бу уруш натижасида империячи Россиянинг ҳам таназулга кетаганини сўйлай билмак учун тили қисқадир. Маъна унинг "Улуғ йўлда" /1920/ номли парчаси:

Йўлимизда қўллар, сувлар, тенгизлар, Боғучисин таниб бўлмаслик излар, Шу изларни босиб, тенгизлар кечиб, Буюк амал билан борамиз бизлар.

Юракларда сақлаб келган амаллар, Йўллардаги тенгизлардан улдуғроқ. Эзилганлар тилак тили -- Бу йўл бурнингдан тўлуғроқ.

Маҳкам қилиб боғланган камарлар! -- Тезроқ, қанот! Қўшлар янгилик учайлик, Кенг чўллардан, тенгизлардан кечайлик, Шарқнинг эски чигалини ечайлик!..

1921 йилнинг илк баҳоридидаги ҳодисалар унга буюк ва омонсиз мужодаланинг боши каби кўринган:

Бағутларча, ўқурғучи бир товуш Тобутларининг жон сўраган товшидир. Йиқитқучи, ағдарғучи қўзғалиш Яқиндаги зўр курашнинг бошидир.

Тенгизлардек қарар ерин билалмай Унга-мунога ўзини урган дўшмандир, Кенг юракда тура олмай, сиғолмай, Тотиб кеткан йўқсулдаги ниймондир.

Улуғ, қаттиқ, ағдарғучи бир кураш, Ё бор бўлиш, ё йўқ бўлиш... Йўқ яраш!..

Шоир 1922 йилнинг июлидан "золимлар" ҳар нарсани қўлда тутсалар ҳам миллатнинг виждон ва фикр эркини қўлга ололмастлигига ишонган:

Эй тутқунлар, эй эзилган, Эй қийналган йўқсул эллар, Эй умидсиз, эй тизилган Дор олдида ... оппоқ диллар!

Эй бевалар, бечоралар, Эй боғланган қишанларга, Эй эрк учун оворалар, Кўп ялинманг сиз уларга.

Бурлардан омон кутмак -- Тенгизларнинг ишидир ул -- Ҳар маъининг хатлаб ўтмак Турмушда энг тўғри бир йўл.

Зулм олдида ҳар бир нарса Эҳтимолким, бўйин эгар. Агар зулм авжага келса, Кўк боши-да ерга тегар.

Ҳайвонларга, инсонларга, Золим эга бўлмай қолмас. Фақат эркин мулкдорларга Эга бўлмоқ мумкин эмас

Чўлпон турк халқининг ичидаги гизли қувватга ишонди. У Мағжон каби ягона бир миллатнинг дардларини сўйлаган шоирдир. Мағжон билан Чўлпон ораларидаги фарқ -- бир лажжа фарқидир. Бугун шўро шароитида космополит мавзулар ҳақида тадқиқ қилинган бу икки шоирнинг бу ерда келтирилган парчалари шўро адабиётида уларнинг "ўз вақтида миллиятчилик жараёнига қўшилганлари замоннинг махсулларини" сифати билан шайх мажмуаларидан чиқарилган бўлса-да, бу шайхлар Россиядан хорижда чиққан туркларнинг рункига жуда зиёда уйғун келмақдандир.

Аҳмад Заки Валиди ТУҒОН

"Бу кунги Турк эли (Туркистон) ва яқин тарихи", Истанбул, 1942-47, 568-571-бетлар.

"ДУНЁДА БОЛАМ ДЭВ ЯШАЙДИ ЎЗБЕК"

Бу мақоланинг ёзилганига анча бўлди. Аммо у Гулсум опа каби меҳрибон оналар қалбига озор бериб қўйишдан истиҳоло қилиб эълон қилинмаган эди. Уйлаб қарасам, Гулсум оналар қанча кўч бўлса, ноқобил фарзандлар ҳам шунча топилар экан. Зора, бундай ноқобил ўғилларнинг мудроқ қалблари уйғонса, ота-она қадрига етса, деган ишга билан мазкур мақолани муштақиллар ҳукмига ҳавола этишга жазм этдим.

Муаллиф

Одам билан тирбанд автобус жазирама кўёш остида қолган шаҳар кўчалари бўйлаб олиб борарди. Садратоннинг исесиги эзилган йўловчилар ҳайдовчи каби-насида таралаятган ҳузур-бахш қўшиқдан ором олиб кетишарди. Таниқли хонанданинг соҳир овозига, қўшиқнинг сеҳрли сўзларига қўлоқ туғиб борарканман, беихтиёр қўшним Гулсум опа эсимга тушиб кетди...

Аллоҳ ҳуснада ҳам, ақлда ҳам беназар қилиб яратган бу жувон кўчалар ўтганда ёшу қари бирдек унга сўқданиб тикиларди. У нафақат миселсиз тўзал, балки фазлу одобла ҳам бетимсоқ эди...

Шундай аёл ўттизида утин бўлди... Ишонгани, суянган тоғи юрак ҳуружидан қирққа кирмай қирқиндан қийилди. Ота дийдорига тўйиб-тўймаган олти фар-

шиди. Билгани болалари, кўргани уй-томорқа-бозор бўлди...

Одамлар ўзининг ҳам уйла, ҳали ёшсан, гўзалсан, тенгининг топиб тегиб ол, дейишганда маъ-юсуғна қўлиб кўя қолди. Болалар деб гўлдек умрининг хазон қияласан, эрта-та жонингга оқ кирармидай дейишса, одамлардан ошқор хафа бўлди.

Ўзини уйламай, топгани болаларининг оғзига тугди, устига ёлди. Катта ўғлини оруу-ҳавас билан уйдилди. Неғара кўрганида хурсандчиқлидан элга дастурхон ёлди. Қизларини тўю-томоша билан бирин-кетин узатди. Неғаралари ёнига янгилари қўшилди. Яратганининг шу қулларга етказганига шукроналар айтиб яшайверди, Гулсум опа. Тақдирдан нолиш, ҳаётдан шикоят қилишни ҳаёлига ҳам келтирмади у...

Лекин ҳаёт барибир ҳаёт-да! Ёшлиқдан онасининг оғзига титлаб топиб келганини еб ўрганган катта ўғил икки фарзандга ота бўлганида ҳам одатини тарк этолмади. Бир онасининг топганига тўрт киши бўлиб шерик бўлишдан

орланмади. Шу болаларини деб шунча йил чеккан захмати камдек, яна уни қариган чоғида ёлғиз ташлаб кетди...

Кейинги фарзандлар ҳам она қалбига ақсидан кам жароҳат етказишмади. Тўқликка шўхлик қилиб, қамалиб кетишди. Катта ўғлининг орқасидан армияга нарса жуванган она, энди қамоқдаги икки ўғлига ҳар ойда бир қоп емиш ташийди. Унинг не ҳарсатда қийнаиб юрганини кўрган одамлар баттар қийналайди...

Лекин Гулсум опа ҳеч кимга ҳасрат қилмайди, ҳеч қимдан ёрдам кутмайди. Бошқа фарзандларини ҳам оқ ювиб-оқ тараб, бировдан кам қилмай ўстиряпти. Катта фарзандлари қилмаган мурувватини кен-жатоиларидан қўтиб бўлармикан? Яна ким билади, дейсиз. Ахир ҳамма фарзанд ҳам бирдек эмас-ку?..

Хонанданинг соҳир овоз билан айтган сеҳрли қўшиғи ҳаёлимни бўлди. "Дунёда болам деб яшайди Ўзбек..."

Томир ҚУРБОН

Исфандиёр Жасдам (ТАРИХИЙ САРГУЗАШТ РОМАНДАН ПАРЧА)

(Давоми.Аввали ўтган сонларда)

— Емайман, — бошини чайқади Гулрухсор. Хизматкор кўзда шароб ва иккита сопол пиёла келтириб, яна оҳишта ташқарига йўналди.
— Дилингдаги гапингни айт, ўзингни ҳам мени ҳам қийнама, — ўтиниб сўради Гулрухсор эрининг ўйчан юзига хавотирли тикилиб.
— Бугунги машваратдан сўнг Бесс менга Сўзга ҳоким бўлишни таклиф этди.
— Ҳокимликни? — Гулрухсор ҳайратдан ирғиб ўрнидан турди, сўнгра эрининг изоҳини кўтиб, унинг оёқлари ёнига тиз чўкди.
— Худди шундай, — деди Спитамен шовилмай гўштан тамадли қиларкан. Сўнг ўзига шаробдан қўйиб, бир неча кутум ютди.
— Демак, Бесс Сўзга сента бериб, ўзи... — аста мулоҳаза юритди Гулрухсор кавшабаётган эридан кўз узмай, — ўзи Доронинг тахтига кўз тикканми?
— Жуда топқирсан-а! — илжайди Спитамен.
— Ахмендилар тахтига ўтиришга унга йўл бўлсин?
— Бесс Доро Каломаниннг узроқроқ қариндоши. Агар меросхўр бўлмаса, Бесснинг ҳам тахтга даъвогарлик қилишга ҳаққи бор.
— Шоҳ ҳали ҳаёт-ку? — Бесснинг форселар тахтига ўтириши Гулрухсорнинг ақлига сиймаётганди. — Наҳотки у Уйлай-уйлай, шу қарорга келган бўлса?
— Уз қариндошини қатл этиб, ўрнига шоҳ бўлмоқчи, — Гулрухсорнинг фикрини давом эттирди Спитамен.
— Бесс «шаҳаншоҳ» бўларкан-да?
— Унга менинг мадалим керак.
— Отлиқ аскаринг билан бирга.
— Аскарим ҳам лозим, — тасдиқлади Спитамен. — Лекин унинг режасида муҳими бу эмас. Гап отлиқ қўшинида эмас. Қўшининг унча қатта бўлмагани учун душманга айтирили хавф тудирмайди.
— Агар сен Бессни ўқлаб, режаларини қўлаб-қувватласанг, — ўз фикрини давом эттирди Гулрухсор, — сента Сўздин бошқа беклари ҳам эртасида. Шундайми?
— Спитамен боши ирғиди.
— Бесс менга нега ҳокимлик рутбасини инъом этаятганини энди тушунгандирсан?
— У қўларини артди, яна қалаҳга шароб қуйди, лекин ичмади, қалаҳ қўлида қолди.
— Мен унинг тарофияга ўтсам, бошқалар билан тил топишуви сувадан қил сўзгургандек енгил қўлади.
— Сена рози бўлмадингми?
— Йўқ, янглишдинг.
— Нега, ахир? — алам билан бақириб тоборадади Гулрухсор, лекин шу заҳоти эрининг устида қора булутлар тўпанаётганини англаб, юмшади. — Сен унинг барча сир-асрорларидан воқиф бўли, уни қўлаб-қувватлашдан бош тортган, энди унинг ошқора душманга айланмасан-да?
— Қурқатсанми? — деди Спитамен хотинининг қизикқан табиятидан жилмайиб.
— Биласанми, агар сен ёнимда бўлсанг, мен ҳеч нарсадан қўрқмайман. Лекин Бесс ўзи сирларидан воқиф ягона гувохон тўмон қилиш учун бутун куч-қудратини яамаса керак. Агар жами сирни Датафарнга очиб, у билан бирлашсанг-да, қўлинг калталик қилади.
— Датафарни бандчилики бажо келтириди! — хотинининг гапини бўлди Спитамен. — Бессни Ахмендилар тахтига ўтиришга деб тан олмангани учун қуролдондан сўнг боши танасидан жудо қилинди. Менинг одамларим хушёр туришганди, шунинг учун мени гўмдон қилиш унга бундай осон кечмайди.
— Ахир, у Доронинг элчисини қатл қилибди-ку? — деб сўради Гулрухсор ҳамон ўзига келолмай.
— Агар у «шаҳаншоҳ» рутбасини қийсагина менга кафан бичиши мумкин. Маҳаллий халқдан чиққан ҳоким вақтинчалик муросаи мадора учун зарур. У ўзини тиклаб олгач, сўзини икки қилганларни дорга тортади.
— Ҳарқалай, рози бўлиш керак эди, — ўйчан гапирди Гулрухсор. — Ҳеч кўрса номига.
— Мени биласан-ку! — хотиница жавабланиб тикилди Спитамен.
— Сени ҳоким деб эълон қилмоқчи бўлса, қилаверсин эди. Кимнинг боши олдани кетиши фақат Худога аён, — илжайди Гулрухсор.
— Янги подшоҳнинг ёни осмондаги юлдузлардан-да сероброқ бўлади. Ахир, у ҳозир бизнинг еримизда-ку. Сен ўзинг ҳоким бўлган, эрк учун жанг қилишининг ҳождати йўқ эди. Уз-Узидан ҳаммаси ўрнига тушарди.
— Гапинг тўғри, лекин мени Спитаменлар уруғидан эканини унутайсан.
— Спитамен, сени хафа қилиш ниятим йўқ эди! — деди Гулрухсор.
— Мен жангчиман, Хуфия қотил эмасман. Ахир, юнонлар билан бирлашиш жоизлигини ўзинг айтган эдингиз, — табассум билан гапирди Гулрухсор эрига соддадиллик ила тикилиб.
— Ҳа, шундай, лекин, — деди Спитамен, — сен нима таклиф айта олсан? Ҳалол жангда қилмадан чиқарилган, боболардан мерос қиличини булғашини истайсанми?
— Доронинг ўлими — юнонлар шоҳига хайри-ҳоддингини билдиради.
— Такрорлайман! — деди Спитамен газабга миниб. — Мен жангчиман, қотил эмасман. Насли-насабим шаънига доғ туширадиган ишга минбад кўл урмасман.
— У нафратини яшириш учун қўларини ерга қалади. Лекин Гулрухсор пича қушқондан чиқиб кетганини англади.
— Демак, Бесс ўзини шоҳ деб эълон қилмоқчи? — деди у бир неча сонидан сўнг.
— Эълон қилди ҳам.
— Дарров-а! — қичқирди Гулрухсор.
— Ҳатто номини ўзгартирди, — деди Спитамен. — Артаксеркс.
— Шоҳ ҳали тирлик-ку?
— Бу форселарнинг иши, — ҳорган қўзларини юмди Спитамен. — Бу ҳақда бошқа оғиз очмай! Ухломоқчиман. Эртга ҳал қилиш зарур бўлган ишларим бисёр.
— Бир неча дақиқадан сўнг у қотиб уқлаб қолди. Гулрухсор эса уйқулаги эрининг ёнига аста

(Д а в о м и б о р)

Азиз гулӣ

ИПОН ДАРОМАД МАНБАИ

Вьетнамнинг энг жанубидаги Миньхай вилоятининг аҳолиси пилон етиштиришни уй ҳайвонлари ва парранда боқидиган қўра анча даромадли, деб ҳисоблашади. Уларга ана шундай бўлма илонларни кўпайтиришни маҳаллий доринишнослик лабораторияси ҳодимлари маслаҳат беришиди.
Она илон йилга бир марта болалади. Майда пилончалар уй шароитига жуда тез мослашади. Бу жойларда калтасека, қурбақа ва бошқа жониворлар тўлиб-тошиб ётирилади илончаларга овқат қилдириш унчалик ташвиш тудирмайди.
Пилонлар бир йиллик бўлган деҳқонлар уларни доринишнослик лабораториясига топширишади. Лаборатория хўжалик ҳисобида бўлгани учун илмий ишлардан ташқари бу жойларда анча харидорчигр бўлган дори-дармон таёрлаш билан ҳам шуғулланишади. Асосан шифобахш дори-дармонлар илон ёни қўйиб тайёрланади. Вьетнамда кен тарқалган дамламалар, элексиранлар ва балъамлар аҳоли даражада қувват берувчи ҳусусиятга эга бўлиб, чарчокни тарқатади, куч-қувватни тиклашади, яра-чакларни ва қуйган тана терисининг тезда битишига ёрдам беради.
Илоннинг териси ва ундан асалган ҳар хил юмоларни қўшни мамлакатларга экспорт қилиш вилотга катта даромад келтиради.

ЭХТИЁТ БУЛИНГ: АРИПАР

К а р а х и — П е ш а в а р йўналишида кетаётган автобус ҳайдовчиси бўзилган моторни тўзатиш учун дароҳ сонюда тўхтади.
Оёқ чигилини «ёзиш баҳонасида автобусдан тушган йўловчилардан бири дароҳ ковагида яшаётган арилар билан бевотани қилди. Шунда одамларга ёввойи арилар одамларга ёввойиларди. Натияжада 60 йўловчининг ҳаммаси ва автобус ҳайдовчиси оғир аҳволда касалхонага ётқизилди.

ТИМСОХ ФЕРМАСИ

Жанубий Эфиопиянинг Арба-Минч шаҳрида тимсохлар фермаси очилган. Уларни пухта тайёрланган технология асосида парвариш қилишади.
Даррандаларнинг туҳуми қизилриланг қўми қўтиларга жойлаштирилади. Туҳумдан чиққан тимсохларни эса унамли озиклантириш учун махсус жойларга қўйиб юборилади. Яқин келажакда фермада тимсохлар сонини йилга икки минг бошга етказиш режалаштирилмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида БАХТИЁР тайёрлади.

Мен қаламга олаётган инсон жиннинг бобом Пўлатхожи отаниннг энг кичик невараси Ҳабибулла Пўлатов бўлади. Ҳозир бу мўтабар зот саксонга бориб қолди.
Бобом Пўлатхожи отаси асли гиштқўриқлик. Уша ерди бир неча таноб ери, ўзининг мол-мулки, пахта заводи бўлган. Октябр инқилобидан кейин коммунистик тартиблар, ур-сурлар даври бошлангач, бойлар тугатилиб барча халқ йўқсилларга айланган бобомнинг ер-мулки ҳам тортиб олинди, ўзи қулоқ қилинган, уч ўғилдан иккитаси — Ҳасан, Исмаил Сибирнинг сургун этилган, қичиб ўғилларни Тожибобий босқинчилар томонидан ваҳшийларча ўлдирилган. Ҳабибулла Пўлатов хожи отаниннг энг

рипти, — дедим.
— Бирор дам олиш уйига йўлданма сўраб, «Узсовпроф»га борган эдим, мениннг яхши танишим (қолхожа мўҳоммаднинг олиб борганда қардонлашиб қолган) Америкага битта йўлданма бор, ҳоқдасанг шунинг сента берман деб қолди. Бунинг учун тўққиз юз саксон сўмга яқин пул тўлаш керак эди. Уёқ-бўёқда бир амаллаб пулни йиғиб бугун тўлаб келдим, — деди.
— Жуда яхши, мана Американи ҳам қўриб келадиган бўлибсиз, — дедим уни табриқлаб.
— Хуллас, бутун расм-русумлар, текширишлардан сўнг Ҳабибулла ака икки ҳафтага Америкага саёҳатга жўнаб кетди. Унинг хикоя қилишича, уша саёҳатлар орасида Украина, Қозғистон, Москва, Ленин-

Мўтабар сўз

бориб ишлаб юрди, бўлмади. Ахир партиядан ўчирилган кишини ким ҳам яхши ишга олири дейсиз?
Ҳозирги кунда Ҳабибулла Пўлатов Гиштқўриқдаги бузасидан қолган жойда истиқомат қилади. Жамоатчилик уртасида обрў-эътибори катта. Маҳалла жамоасига оқсоқол. Қўлидан келганча элим-эртим деб кўп саёҳатли, саёб ишлар қилиб юрибди.
Тоҳо-тоҳо учрашиб қолса, уша қизил империя даврида Америкага саёҳатга бориб қўйиб, кейин қанча азоблар чекканини, Уша сафар бутун тақдирга, ҳаётига салбий таъсир этганини кўйини-ёниб сўзлайди. Аммо ҳақ гапни айтганлиги учун

Мақсуд ҚОРИЕВ

ПЎЛАТХОЖИНИНГ НЕВАРАСИ Ҳабибулла Пўлатовнинг Америкага саёҳати тўғрисида

кичик ўғли Тожибобий Пўлатовнинг арзандаси эди.
Ҳабибулла Пўлатов отасиз етим қолди, сарсон-саргардонликка, кўп азоб-уқубатлар чекиб ўлайди. Узининг биласиз, қулоқ қилинганларнинг болаларига, қариндош-уруғларига барча эшиклар епиқ эди. Бирор ишга кирмоқчи бўлсангиз? «Коммунистик анкета» да шундай саволлар бор эдики, сиз унга тўғри жавоб бермай қўлингиз, бир умрга юзингиз қора бўлиб қолади.
Уларнинг фарзандлари олийгоҳларга қабул этилмасди. Хуллас Ҳабибулла Пўлатов ўз ақли, идроки, ишбилармонлиги, иқтисодий яхши биланлиги, сабабдан ўқиб, ўрганиб Юнусовболдаги долгдор «Узбекистон» жамоа хўжалигига бош ҳисобчи бўлиб, шу лавозимда узоқ йиллар самарали меҳнат қилади.
«Узбекистон» жамоа хўжалиги саёботов, мевазузм етиштиришда Тошкент вилоятида энг бақувват хўжаликлардан бири ҳисобланарди. Узбекистонга келган хорижий мўҳоммад кўпчиша шу хўжаликка олиб бориладилар. Биз ҳам кўпчиша собиқ Иттифоқдан, чет эллардан келган журналистларга «Узбекистон» жамоа хўжалигини намуна сифатида кўз-кўз этардик.
Бир кун Ҳабибулла Пўлатов ҳовлиқанча таҳририятга кириб келди, «нима дейсан, мен Американи кетадиган бўлиб қолдим», — деди тўсатдан. Ҳайрон бўлдик, у вақт чет элга чиқиш, аиниқса халқаро империализминг энг давлати бўлган АҚШ га бориш ети уқлаб тушингиз ҳам кирмайдиган иш эди. Агар борадиган бўлсангиз, минг чийириндан утказилар эдингиз.
— Қақдан кун чиқди, ким Сизни Америкага юбо-

Аммо чўрткесар, ҳақиқатгүй бу йигит қайсарлик қилиб ҳеч бунинг бермасди, оқибат мунозарамиз шу даражага етдики, собиқ И т т и ф о ж д а г и ҳуқуқсизликлар олдига Американи еча олмасди дейишгача борди. Уша даврда коммунистик матбуотнинг раҳбари сифатида Ҳабибулла акани қувватлай олмас эдим албатта. Улар гап гапиряптилар, мен телефонга қарайман, тўё бизнинг гап-раҳбаримизни биров эшитиб, ёзиб тургандай.
Хуллас калом, Ҳабибулла Пўлатов район партия кўмитасининг бюросида қолхоз партия йиғилиши қарорини тасдиқлади, партиядан ўчирмади. Нима бўлса ҳам жигарим эмасми, юратим аччиби, уша вақтдаги ўз хизмат насабидан фойдаланиб, вилот партия кўмитасининг биринчи қотибига қўнғироқ қилиб, Американи бориб келгач, бекордан бекорга ишдан бўшатиб партиядан ўчирмаётган қариндошимнинг ёнини олиб, масаланинг моҳиритини қотибга тушунтирган бўлидим. Котиб менга ҳеч нарса ваъда қилмасди, кўнглимини кўтариб: «ёрдам беришга ҳаракат қиламан», деди. Аммо вилот партия кўмитасининг бюросида уни партиядан ҳам ўчиртириди. Кейин эшитишимча, биринчи қотиб Ҳабибулла Пўлатовни ҳайфсан билан партиядан қолдириш ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирган. Лекин бюро аъзолари биринчи қотибни қувватлашмаган.
Шундан кейин ҳақиқатчи Ҳабибулла Пўлатовнинг арз қилмаган жойи қолмади. Ҳатто Москвага, КПСС Марказий Кўмитасига ҳам эди. Натияжа қилмади. Охири тақдирга тан бериб, қолхозда олдий табелчи бўлиб ишлаш бошлади. Ойла, болачақалари кўп, жўжавурдек жон. Иқтисодий жиҳатдан анча қийналиб, иши юришмай турли ташкилотларга

виждони олдида азоб чекмайди, партиядан ўчиб кетганига сира-сира ачинамайди ҳам.

Мана, энди эркин замоналар келди, истиқлолимиз тўғрисида қенг, эркин йўллар очилди. Узбекистон мустақил давлат сифатида жаҳонга кўз тўтди. Бутун дунё бизни тан олди. Узбекистон фуқаролари дунёнинг истган мамлакатларига боришлари мумкин. Муулмонлар ҳаж сафарига ҳам эркин бориб келишмоқда. Уша вақтда қариндошим бошига тушган воқеаларни эсласам, энди ачинаман, баян қилган кистайди, нақалар гафлатда янаган эканимиз деб. Собиқ Иттифоқ даврида Москванинг руҳсатисиз бориб бич қатт мамлакатга бориб қўнғичи эди! Африка, қишқайди, Осиё, Эфиопия, Лотин Америкаси мамлакатлари Халқаро кинофестивали муносабати билан фильмлар таянлаб келиш учун мени бир қанча Лотин Америкаси мамлакатларига вакил этиб юборишадиган бўлишди. Котиданги бўлиб Москвага борсам, ҳали сизга «виза» йўқ деб қайтарилган. Икки ҳафтадан сўнг яна бордим, оқибат «фақат Мексикага борасиз», деб зўр-базўр руҳсат беришгани эдимда.
Истиқлолимиз қадрига етмаётган баязи бир кишиларга ачинаман ва дейман-ки, Узбекистоннинг мустақиллиги бу Аллоҳнинг бизга қилган буюк иноятидур. Утиш сабоқларидан ҳулоса чиқариб истиқлолимизни қадрламоғимиз, унинг ардоқлаб кўз қорачиндек асрамоғимиз даркор. Ахир тақдослаш орқали ҳақиқатнинг моҳирити яна ҳам аниқлашади, равшанлашади. Шундай ҳур, эркин замонада яшаётганлигиндан фахрланасан.

«ТУРКИСТОН» ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

Узбекистон Ёзувчилар уюмиси ва «Туркистон» газетаси бирлашида ташкил этган «Шеърят сабоқлари» мактаби илк сабоқ орқали ўзининг бир қатор ўқувчиларига эга бўлди. Сизга тақдим этаётганимиз азиз шеъринг гулдस्ता ёшлар мушоирасида оқшарларга сазовор бўлган истебодларнинг қаламига мансуб.

Арзиса қўзингда ёшларингача, Сизинга кўксингда тошларингача, Қўларинг минг нафрат ҳади этса ҳам, Севолса кипригу қўшларингача. Бир ёр топсақ эдик жондан кечгулик.

Ё раббим, йўлингда гирёнингман-ку, Васлинг тилар битта меҳмонингман-ку, Боқсанг ой, боқмасанг сарсонингман-ку, Бир ширин дийдорга еттувчи он йўқ.

Куйдириб қўйиб ҳам қулса ўзингга, Титрамай титроқлар солса тизингга, Уздан ўзганинг васлинг қўрсатмай, Икки пичоқ санчиб кетса қўзингга, Бир ёр топсақ эдик жондан кечгулик.

Қўш бўлсам қанотим бўлса қайрилмас, Борсам, бир унга қолсам айрилмай, Ул қора қошлари ёйлардан қийма, Ўлдирар ҳажридан жонга омон йўқ.

Бир умр ишқига жонни қорғудек, Зарра ҳижрони ҳам юрак ёрғудек, Кел, деса етмишта томиринг узиб, Ҳаёлдан олдин ҳам ўзинг борғудек! Бир ёр топсақ эдик, жондан кечгулик. Борэй, деб шу тўртта ёндан кечгулик.

Гулжамол АСКАРОВА, Тўшду журналистика факультети талабаси.

Чорласам, қалдиригоч келса қошимга, Раҳм этиб шунча йил тўқсан ёшимга, Сўнгра таҳсин айтиб тош бердошимга, Қўркам қанотларин қилиб совибон, Бошласа мардона мазилга томон.

Ул тийра қўзлари бағримга ботса, Тонгда моҳирўйлар чорлаб уйғотса, Сўнг бир умр мени бахтим деб айтса, Йирасан... Қўзлари бунчалар тийра, Тотли нигоҳлари болдан-да шийра.

Баҳор ХИДИРОВА

Бир ёр топсақ эдик, жондан кечгулик, Энг сўлим, энг оппоқ тондан кечгулик. Тўртта томонини қўйла этса ҳам, Борэй, деб шу тўртта ёндан кечгулик. Бир ёр топсақ эдик, жондан кечгулик.

«Чилонзор туманидаги ПҚДФ «ОКСВА» фирмаси тугатилди. Даъволар бир ой мuddат ичида қабул қилинади.



Кўшиқ куйламоқчиман

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ, УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИ ВА «МУШТУМ» ЖУРНАЛИ
Шу йил 19-20 декабр кўнлари А. Навоий номи Санъат Саройида «Кизилчи-97» Республика кўрик-танловининг финал босқичи ўтказилди. Бу йил танлов марҳум қизқичи Собит Асомов хотирасига бағишланди.

Узбекигига хос ўзи қизик, Узидан ҳам сўзи қизик ёшларни ушбу танловда иштирок этишга таклиф этамиз.
Асқияга мушук халқимизнинг умрини узайтириш борасидаги қобилиятининг намоян этмоқчи бўлсангиз, «Камолот» жамгармасининг ўзингиз яшаётган вилот бўлиминг ёки Республика ташкили қўмитасига (3712) 41-00-83, 41-08-61 телефон рақамлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

МАТБУОТ ХИЗМАТИ

Муассис: УЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ
Ҳомий: УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «МАТБУОТ ТАРҚАТИШ УЮМИ» АССОЦИАЦИЯСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ
Навбатчи муҳаррир: Мухтасар ТОЖИМАТОВА

ТАХРИРИЯТ:
Қабулхона — 136-56-58, 133-95-97;
Хабар бўлими — 136-54-64;
Тижорат бўлими — 133-79-69;
Ижтимоий ёшлар бўлими — 136-54-64;
Спорт, ҳарбий ватанпарварлик бўлими — 136-58-93, қотибят — 136-58-48.

Манзиллимиз:
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланши мумкин.
Дизайн устаси: С.ФАЙЗУЛЛАЕВ